

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Андижон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти ректори

К.С.Комилов

09 . 2022 йил

**Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг
Молиявий муносабатларни тартибга солиш бўйича ташкил этилган
комиссиясининг**

ЙИҒИЛИШ БАЁНИ № 2

2022 йил 13 сентябр

Куйган ёр ш.

- Раис:** К.С.Комилов - Ректор
- Комиссия аъзолари:** Х.Баратов - Профессional таълим муассасалари билан ишлаш бўйича проректор
- Н.Солиев - Ишлар бошқармаси бошлиғи
- М.Шодмонов - Бош хисобчи
- И.Турдиев - Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими бошлиғи
- А.Бўронбоев - Юрист
- О.Эсонов - Ходимлар касаба уюшма раиси
- С.Обидалиев -Йиғилиш котиби

КУН ТАРТИБИДА

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2022 йил 10 августдаги 02-РА 1-13234-сонли топшириғига мувофиқ 2022-2023 ўқув йилига тайёргарлик доирасида олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан талабалар турар жойларини таъмирланиши тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш раиси институт ректори К.С.Комилов сўз олиб институтда талабаларни турар жойларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида мавжуд ички имкониятлардан келиб чиқиб 4-Талабалар турар жойи “Б”-блогда мукамал таъмирлаш ишлари зарурлигини атрофлича тушунтириб бу ҳақида алоҳида ҳукумат топшириғи берилганлигини

таъкидлаб ўтди. Мақсад талабалар билан сўнги вақтларда юз бераётган нохуш воқеяликларни олдини олиш уларнинг тўлиқ ҳафвсизлигини таъминлаш мақсадида талабалар турар жойлари билан қамраб олиш вазифалари бугунги кундаги асосий масала эканлигини айтиб ўтди.

Шундан сўнг комиссия аъзоси институт бош хисобчиси М.Шодмонов сўз олиб юқоридаги мукамал таъмирлаш ишларига лойиха сметаси ва экспертиза хужжатларини тайёрлаш хизмати <https://etender.uzex.uz> платформаси орқали амалга оширилиши сўнгра бинода мукамал таъмирлаш ишларини бажариш хизмати *SHAFFOF QURILISH milliy axborot tizimi* орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида тушунтириш берди.

Кун тартибидаги масала юзасидан ҳар бир комиссия аъзоси ўз фикр мулоҳазаларини билдириб, ҳақиқатда ҳам институт талабалар турар жойларида мавжуд камчиликларни тўлиқ бартараф этиш учун мукамал таъмирлаш ишлари зарурлигини маъқуллашди. Шундан сўнг йиғилиш иштирокчиларининг муҳокамасига асосланиб комиссия

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И

1. Институт ректорининг талабалар турар жойларида мукамал таъмирлаш ишлари бажарилиши натижасида талабалар турар жойлари қувватларини мавжуд ички имкониятларидан келиб чиқиб ошириш юзасидан берган таклифлари маълумот учун қабул қилинсин;
2. Мукамал таъмирлаш ишларини бажариш учун нуқсон далолатномаси тузилсин.
3. Мукамал таъмирлаш ишлари учун лойиха смета хужжатлари, экспертиза хулосаси ва барча тегишли хужжатлар тайёрланиб давлат харидлари электрон порталига ва мукамал таъмирлаш ишларини бажариш хизмати *SHAFFOF QURILISH milliy axborot tizimi* орқали амалга оширилсин.

Йиғилиш котиби



С. Обидалиев